ЎЗБЕКИСТОНДА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ҳасанов Тоҳир Абдурашидович
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти Илмий тадқиқотлар бўйича консультант, и.ф.д.
https://doi.org/10.5281/zenodo.14504448

Аннотация. *Мақолада муаллиф томонидан мамлакатимизда коммунал хизмат кўрсатиш бўйича замонавий бозорни шакллантириш йўлида амалга оширилган кенг кўламли ишлар, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларда белгиланган вазифалар таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу вазифаларнинг ҳал этилиши аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва уларга сифатли уй-жой коммунал хизмат кўрсатишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш ва истиқболларини прогнозлашни талаб этиши асосида бу каби йўналишларни такомиллаштириш бўйича таклифлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *иқтисодиёт, ижтимоий хизматлар соҳаси, уй-жой билан таъминлаш, уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси, коммунал хизмат кўрсатиш, сифат кўрсаткичлари, статистик таҳлил, ривожлантириш прогнозлари.*

Маълумки, мамлакат иқтисодиётида хизматлар соҳасини ривожлантириш муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Жумладан, уй-жой коммунал хизмат кўрсатишнинг ҳам самарали фаолият юритиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки, соҳага янги механизмларини жорий этиш аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда коммунал хизмат кўрсатиш бўйича замонавий бозорни шакллантириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган даврда қабул қилинган бир қатор қонунлар соҳани тараққий топтиришнинг ҳуқуқий асоси бўлаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-82 сонли, 2023 йил 28 августдаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-151-сонли Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 214-сонли қарорлари шулар жумласидандир.

Бироқ, шиддат билан ривожланаётган бу давр уй-жой коммунал соҳасини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш вазифаси ўз устуворлигини сақлаб қолмоқда.

Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини изчил ривожлантириш масалалари “Ўзбекистон-2030” тараққиёт стратегиясида ҳам ўз ифодасини топган, яъни “ҳудудларда бир миллион хонадонли уй-жойлар қуриш, “Янги Ўзбекистон” массивлари сонини 100 тага етказиб, қўшимча 200 мингта оилага мўлжалланган уйларни барпо этиш, республикада

камида 140 минг оилага мўлжалланган ижтимоий уйларни барпо этиш. Туман (шаҳар)ларнинг бош ва мастер режаларини 3 та тоифали (реновация, реконструкция ва консервация) зоналарга ажратиб, соддалаштирилган тартибда ҳамда аҳоли ва тадбиркорлар таклифларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш амалиётини жорий этиш. Аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини ишлаб чиқиш. Ривожланган давлатларнинг бино-иншоотлар бўйича қурилиш хавфсизлиги меъёрлари асосида янги стандартларни жорий қилиш. Кўп квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуришни тартибга солувчи қонуний асосларни шакллантириш. Барча аҳоли пунктларини тоза ичимлик сув ва оқова хизматлари билан кафолатли таъминлашнинг молиявий механизмларини жорий қилиш ва ҳакозо" каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу устувор вазифалар муваффақиятли ҳал этилиши уй-жой коммунал хўжалиги ва коммунал хизмат кўрсатишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобига республикамиз аҳолисини уй-жой билан таъминлаш ва уларга сифатли коммунал хизмат кўрсатишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, истиқболларини прогнозлашни талаб этади.

Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар доирасида ижтимоий соҳани ривожлантиришга, аҳолини уй-жой билан аҳоли таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳоли уй-жой билан тўлиқ таъминланмаганлиги, сифатли коммунал хизматлар кўрсатилмаётганлиги истиқболда мазкур соҳани янада ривожлантириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида "Аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини ишлаб чиқиш. Реновация ва уй-жойлар дастурлари асосида шаҳарларда эскирган уйлар ўрнига 19 миллион квадрат метрдан ортиқ замонавий уй-жойларни барпо этиш, 275 мингдан зиёд оиланинг янги массивларга кўчиб ўтиши учун шароит яратиш" каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу устувор вазифалар муваффақиятли ҳал этилиши уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобига республикамиз аҳолисини уй-жой билан таъминлаш ва уларга сифатли коммунал хизмат кўрсатишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқишни, статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштиришни ва истиқболларини прогнозлашни талаб этади.

Республикамизда уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини такомиллаштириш ва иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, соҳа фаолиятига таъсир қилувчи омилларни комплекс баҳолаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган, илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Уй-жой коммунал хўжалиги кичик тармоқлари ўзаро фарқ қилишига қарамай, улар бир қатор ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланади:

- катта ҳудудий тақсимот ва тизимни шакллантирувчи элементларнинг катта сони;
- ҳудуд ва вақт бўйича узлуксиз ривожланиш;
- бошқариладиган ва бошқарувчи тизимларнинг кўп пағонали таркиби ва бошқарув контурида субъектнинг бевосита мавжудлиги;
- бошқарув жараёнларининг вақт бўйича узлуксизлиги;
- бошқарув жараёнлари марказлашувининг юқори даражаси;
- бир вақтнинг ўзида тезкор бошқаришни марказлаштиришдан чиқарган ҳолда бошқарув жараёнлари марказлашувининг юқори даражаси;

- бошқарув жараёнларининг сустлиги.

Уй-жой коммунал хўжалигини бошқариш унинг алоҳида кичик тармоқлари таркиби ва параметрларини ўзгартириш йўли билан амалга оширилади. Уй-жой коммунал хўжалиги хизматлари истеъмолчилари сони ва маҳсулотлари сифати, шунингдек, уларнинг параметрлари ўзгаришида намоён бўлувчи шаҳар ва унинг кичик тизимлари узлуксиз ривожланиши уларга нисбатан қўйиладиган талаблар, ўз навбатида, фаолият юритиш ва бошқариш режимлари узлуксиз ўзгаришига олиб келади.

Шундай қилиб, уй-жой коммунал хўжалигини бошқариш вазифаси уй-жой коммунал хўжалиги бошқарилувчи кичик тизимлари таркиби ва параметрларини ўзгартириш йўли билан уй-жой коммунал хўжалиги маҳсулот ва хизматлари истеъмолчилари таркиби ва параметрлари ўзгаришини қоплашдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантиришга доир мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда дастурий-мақсадли ёндашув усулларидан фойдаланилади. Дастурий-мақсадли ёндашув чоғида муаммолар алоҳида кичик тармоқлар, ташкилотлар ёки бошқарувнинг кўп пағонали бўғинлари жиҳатидан эмас, балки комплекс тарзда ҳал этилади. Бундай ёндашув муаммони тизимли таҳлил қилиш асосида ўрганишни назарда тутади. Мақсадли усулда алоҳида тармоқлар доирасида барпо этилувчи маҳсулот қисмлари эмас, балки миллий иқтисодиёт ёки умуман, жамиятнинг маълум эҳтиёжларини қондиришга қодир якуний маҳсулот бошланғич нуқта ҳисобланади. Шундай қилиб, дастурий-мақсадли тартибга солишнинг асосий вазифаси белгиланган якуний мақсадга эришишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги

ПФ-82 сонли фармони *(lex.uz)*;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 августдаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-151-сонли Фармони *(lex.uz)*;

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 214-сонли қарори *(lex.uz)*.